*Муҳтарам газетхон!*
*Сиз қайси бадиий асарларни жон-жон деб келгуси асрга — келгуси мингйилликка олиб ўтасиз?*
*Жавобингизни кутамиз!*

2 - 3-бет

*Хотирлайдиган, қадрлайдиган инсонларимиз кўп.*

4-бет




*Кураш бўйича I жаҳон чемпионатининг рамзи учун танлов эълон қилинган эди. Ушбу танлов якунига кўра, сиз суратда кўриб турган рамз ва унинг муаллифи — "Гулхан" журналининг бош рассоми Шуҳрат ОДИЛОВ танловнинг ғолиби деб топилди.*


# ҲУРРИЯТ

МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА

1996 йил декабрдан чиқа бошлаган

Чоршанба кунлари чиқади | 1999 йил 12 - 18 май | 19 (121)-сон


## *УМИД ГУЛЛАРИ*

*Кўнгил малҳамидир зебо атиргул,*
*Ҳовлимга зийнатдир шул садарайҳон.*
*Юрак хушламаса, истамаса дил,*
*Бир гулча завқ бермас юлдузли осмон.*
*Баҳор ташрифидан дилда эҳтирос,*
*Тағин гулзорларни кезар болари.*
*Чор атроф турфа хил гул бўлса ҳам рост,*
*Менга ёқар фақат сирень гуллари.*

*Ёшликнинг шўх, асов тўлқини тинди,*
*Қолди турфа юмуш — дунё ишлари.*
*Қайларда сиз макон топдингиз энди,*
*Бетизгин хаёллар - орзу қушлари.*
*Ўтди қанча субҳ-у, ўтди қанча шом,*
*Ортига қайтмагай ёшлик йиллари.*
*Толиққан руҳимга беролсин ором,*
*Пушти-ю нафармон сирень гуллари.*

*Қуёш ҳам тепамда айланар гир-гир,*
*Шукрона айтаман сулув фаслга.*
*Кўнгил чигиллари ёзилди бир-бир,*
*Соғинди дил, энди тўйсин васлга.*
*Кел, ёрим, тушунгил, умр бир нафас,*
*Бир қучоқ гул билан борай сен сари.*
*Шул нафис гулларга бор менда ҳавас,*
*Умид гулларидир - сирень гуллари.*

**Анвар ТОҒАЕВ**

*Зарбдор тумани*

**Бугун пойтахтимиз марказида бунёд этилган муаззам Хотира майдони очилмоқда. Бу ҳам мустақиллик тафаккурининг яна бир бор намоён бўлиши, халқимизнинг табиатига ёт бўлган эски қолип ва сохта ғоялардан воз кечганимизнинг яна бир тасдиғидир.**

**Президент Ислом КАРИМОВ нутқидан**

# ЎЗИМИЗНИНГ БАЙРАМ

## Шўронинг яна бир бисотидан қутулдик

*Муносабат*

**Фарида МАҲКАМОВА**

Уруш — ўз номи билан уруш. У қандай номланмасин, қай вақтда рўй бермасин, ҳеч қачон инсоният учун рўшнолик олиб келмаган. Аксинча, юртнинг, миллатнинг навқирон йигитларини оналари бағридан юлиб олган, уларнинг хотирасини оналар қалбига муҳрлаган, фарзандлари камолини кўриш улар қалбида мудом армон бўлиб қолган. Шу маънода биз кўп йиллар "Улуғ Ватан уруши" дея номлаган Иккинчи жаҳон уруши ҳам нафақат бизнинг, миллатимизнинг, балки кўплаб қардош халқларнинг ҳам дилига ўчмас ХОТИРА ОЛОВИни ёққан.

Юртимизда илк бора нишонланган Хотира ва қадрлаш байрамида бир нарсага амин бўлдим: юрт учун қон кечганлар, жон берганлар бугун янада эъзозли, қадрли экан. Нега? Негаки, юрт истиқлолга эришган, ўз тараққиёт йўлидан оғишмай бораётган бир пайтда уларни қалбимизда абадий сақлаш, Президент таъбири билан айтганда, ҳам фарз, ҳам қарз.

Кўп қатори камина ҳам ойнаи жаҳон орқали Хотира майдонининг очилиш маросимини кузатдим. Ва амин бўлдимки, ҳеч қачон, ҳеч вақт юрт учун жонини фидо қилганлар бу қадар қадрланмаган, хотирланмаган эди. Президентимиз маросимда нутқ сўзлаб, ҳаётнинг кўп-кўп синовларини, азоб-уқубатларини бошидан кечирган, Ватан учун, эл-юрт учун, мана шу соф осмонимиз учун жон олиб-жон берган, бугун ҳам сафларимизда юрган меҳрибон ота-боболаримизни, олижаноб инсонларимизни эъзозлаш ҳар биримизнинг бурчимиз эканини таъкидлади.

**"Ўзингиз ўйланг, инсон она юрти, халқининг бахт-саодати учун омонсиз жангларда жонини фидо этса-ю, унинг номи номаълум бўлса!"** — деди Президент. Қизиқ, у киши таъкидлаганидек, "номаълум аскар" деган тушунча нима маънони англатади? Биз учун қайси юртимиз фидойиси номаълум?

Хотира ва қадрлаш куни ана шу нарсага чек қўйди. Энди ҳар хил шўродан мерос парадларни ўтказмаймиз, "номаълум"лар шаънига "қасида" ўқимаймиз. Биз энди юрт учун жафо чекканларни шу кун баҳонасида яна бир карра ёдга оламиз, қадрлаймиз. Зеро, мотамсаро она ҳайкали айтаётганидек, **"Сен доимо қалбимдасан, жигарим!"**.

## "НАВРЎЗ— БОҚИЙ БАЙРАМ" танлови ғолибларини қутлаймиз!

**Ўзбекистон Омавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси томонидан эълон қилинган "Наврўз — боқий байрам" танлови ниҳоясига етди.**

**"Наврўз — 99" шодиёналарини кенг ва яхши ёритган қуйидаги таҳририятлар, ижодкорлар ғолиб деб топилди.**

### "Энг яхши таҳририят учун"

**Ўзбекистон телевидениеси "Наврўз умумхалқ байрами" узлуксиз телемарафони ижодкорлари — Бобур Алихонов, Тўра Мирзо, Қўзибой Ҳакимов.**

**Республика радиоси, "Маориф ва тарбия" таҳририятининг Наврўзга бағишланган туркум эшиттиришлари учун Абдулхай Каримов, Насиба Зиёвиддинова, Муаттар Усмонова, Ҳалима Муҳамедова. Режиссёрлар — Дурдона Абдуллаева, Воҳиджон Дўстмуҳамедов.**

### "Энг яхши мақола учун"

**"Ўзбекистон овози" газетасининг мухбирлари Салим Ашур, Кўчқор Норқобил, Нурбек Тошниёз, "Хур-хур еллар гуриллаб, Наврўз келди гуриллаб", Саида Бону "Мунаввар тонг" мақолалари учун.**

### 2- мукофот

**"Ватанпарвар", "Андижоннома" газеталари ижодий жамоалари.**

### 3-мукофот

**"Соғлом авлод учун" журнали, Сирдарё вилоятининг "Янгиер тонги" — "Янгиерские зори" газетаси.**

### ҒОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ!

**Ҳайъат журналист Шавкат Миралимов, "Наманган ҳақиқати" газетаси бош муҳаррир ўринбосари Ортиқали Намозов, "Оила ва жамият" газетаси фотомухбири Миробид Мирсодиқов, шунингдек, "Маърифат", "Нурлы жол", "Овози тожик", "Ташкентская правда", "Китоб тонги" газеталари жамоаларига танловда фаол иштирок этганлари учун миннатдорчилик изҳор қилади.**



2 - 3- бетлар

*— Бир куни Жулқунбойнинг Калвак Маҳзуми...*

# ФАҚАТ ОЛДИНГА ЮРАМИЗ

**"Бир қадам олдинга, икки қадам орқага". ("Ҳуррият", 1999 йил 14 апрель)**

*Жавоб*

Мақола туман ҳокимлигида тўлиқ ўрганиб чиқилди. Мақолада туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг мавжуд аҳволи, бу борада охирги йилларда йўл қўйилган камчиликлар тўғри таҳлил қилинганлиги қайд этилди. Хатолардан хулосалар чиқариш, камчиликларга барҳам бериш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, аҳволни ўнглаш юзасидан 1999 йилда амалга ошириладиган тадбирлар дастури қабул қилинди.

Айни пайтда туманнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини барқарорлаштириш, фуқаролар фаоллигини ошириш борасида дастлабки ишлар қилинмоқда.

Аввало кадрлар, уларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш ҳақида. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари қолоқ хўжаликлардан бирига ташқи бошқарувчи этиб юборилди ва биринчи ўринбосар этиб вилоят ҳокимлиги билан келишилган ҳолда ёш, ғайратли, ташкилотчи кадр танланди. Ҳоким ўринбосари - назорат инспекцияси раҳбари вазифасига тажрибали, ишчан, камчиликларга нисбатан муросасиз кадр тавсия этилди...

Шу билан биргаликда ўзига ишониб топширилган вазифани эплай олмаган, хўжалик иқтисодини барқарорлаштиришнинг уддасидан чиқолмаган, йилни катта миқдорда зарар билан якунлаб, хўжаликни ночор ҳолга келтириб қўйган Ойбек номли бўрдоқичилик хўжалиги раҳбари вазифасига нолойиқ деб топилди ва унинг ўрнига шу хўжаликда кўп йиллардан бери ишлаб келаётган, хўжаликнинг паст-баландини яхши биладиган кадр тавсия этилди.

Аҳолини тоза ичимлик сув ҳамда табиий газ билан таъминлашни яхшилаш чора-тадбирлари кўрилаяпти. Шу мақсадда Қ.Раҳимов номли, "Дўстлик" ва "Манас" хўжаликларига борадиган ичимлик суви қувурлари, "Жиззах - Дўстлик" ичимлик суви тармоғидаги ишдан чиққан қисмлар таъмирланди.

Хўжаликларда қаровсиз қолган Маданият саройлари, қишки мавсумда иситилмайдиган мактаблар ва болалар боғчаларида аҳволни ўнглаш масаласида шошилинч чоралар кўрилаяпти. Хусусан, туманда барча умумтаълим мактаблари ва болалари учун бир гектардан унумдор ер майдони ажратилди ҳамда ёрдамчи хўжаликлар учун ҳам ер берилди. Улардан олинадиган даромадни мактаблар ва боғчаларнинг моддий-техника базасини яхшилаш, уларни таъмирлаш, иситиш тизими яратишга сарфлаш белгилаб қўйилди.

Дўстлик шаҳридаги Деҳқон бозори қисқа муддат ичида қайта қурилди ва пардоздан чиқарилди.

Ҳашар йўли билан катта ҳажмда ободончилик ва тозалик ишлари амалга оширилди. Туман марказидаги 5-6 йилдан бери таъмирланмаган кўп қаватли уйларнинг ташқи қисми пардоздан чиқарилмоқда. Йўллар ва кўчаларда майда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Қишлоқ ва маҳаллаларнинг санитария ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ишлари йўлга қўйилган.

Кейинги 3-4 йил давомида қаровсиз қолган туман марказидаги "Истироҳат" боғида ҳашар йўли билан катта ҳажмда ободончилик ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Спортни оммавийлаштириш, соғлом авлодни камол топтириш мақсадида ёпиқ "Соғломлаштириш комплекси" барпо этилмоқда. Хўжаликлардаги спорт майдончалари, мактабларнинг спорт залларини тартибга келтириш, уларда физкультура ва спорт мусобақалари ўтказиб туриш чора-тадбирлари кўрилаяпти.

Ер ости зах сувларининг кўтарилиб кетишига барҳам бериш мақсадида 20 та дренаж қудуқларининг бир қисми ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда ишга туширилди, қолганларини ҳам йил охиригача тўлиқ ишлатиш мўлжалланган.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ғалла майдонларининг асосий қисми дориланган, бегона ўтни олиб ташлаш чоралари кўрилди, деярли барча ғалла майдонлари пайҳонга қарши четан билан ўраб чиқилди.

Хўжаликларнинг ишчиларига январ, феврал, март ойлари учун аванс иш ҳақи тарқатилди. Бу ишни мунтазам йўлга қўйиш режалаштирилган.

Деҳқон-фермер хўжаликлари қўллаб-қувватланмоқда, уларга имкониятлар яратиб берилаяпти. Кейинги бир ярим ой ичида 50 га яқин янги деҳқон-фермер хўжаликлари ташкил этилди.

Туманга четдан инвестиция олиб кириш, қўшма корхоналар ташкил қилиш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш бўйича муайян ишлар қилинди. Хусусан, яқинда "Эл-Эрк-Нур" фермер хўжалиги базасида хорижий ҳамкорлар билан биргаликда ўсимлик ёғи ишлаб чиқарадиган линия ишга туширилди.

Мулк шаклидан қатъий назар, барча хўжалик юритувчи субъектларнинг хўжалик молиявий ҳолатини барқарорлаштириш чора-тадбирлари белгилаб олиниб, амалга оширилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси одамларнинг кайфиятига ижобий таъсир ўтказаяпти. Фуқароларда фаоллик, ишга иштиёқ пайдо бўлаяпти.

Туман ҳокимлиги келгусида ана шу каби ижобий ишларни давом эттириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш дастурига эга ва бу дастурни изчил амалга ошириш имкониятларини излаяпти.

**С.ИСМОИЛОВ,**
**Дўстлик тумани ҳокими**

*Таклиф*

# ШАРТНОМАНГИЗ БОРМИ, МУҲАРРИР?!

Кейинги пайтда вақтли матбуот нашрларида бир мақоланинг бир неча газетада бир пайтда ва айнан босилиши каби ҳоллар юзасидан айрим нохолис, аксар жўяли таҳлил этилмаган фикрлар ҳам айтилмоқда. Телевидениеда газеталар шарҳи билан чиққан бир журналист дўстимиз "бу каби ҳолат журналистик этикага зид" қабилидаги бир гапни айтдики, бу гап зинҳор ўша мақолани ёзган ва газеталарга йўллаган муаллифга нисбатан эътироз деб қабул қилинмаслиги керак.

Нимага? Журналист агар бирон-бир газетада лавозимда турмаса ва бирон-бир бошқа мажбурият билан ҳуқуқий чегараланмаган бўлса, ўз мақоласини истаган газеталарига истаган нусхада юбориши тақиқланган эмас. Ва шу тахлит иш тутганлиги учун журналистга ҳатто бирон-бир "маънодор" эътироз билдириш ҳам маданиятсизлик бўлар эди.

Сизга унинг мақоласи маъқулми, марҳамат, тезроқ босиб чиқаринг, токи бошқа "кечиккан" газета "кўчирмачи"га айланиб қолсин! Қолаверса, муаллифнинг Сизга ва фақат Сизнинг газетангизга йўллаган мақоласи албатта ёруғликка чиқишига кафиллик берганмисиз? Қолаверса, "қалам ҳақи" деган жонивор тўйдирмасаям, ҳар қалай "мухбир" деган зотнинг бирон корига ярайди-ку.

Мавзуга иккинчи томондан, яъни газетанинг бош муҳаррири, яъни раҳбари томондан ёндашилган маъқул деб ҳисоблайман. Ҳар қалай эътирозимизни ана шу кишига билдирганимиз маъқул, чунки эгасиз аросатнамо гап ҳеч нарсани ечиб бермайди.

Келинг, энди масаланинг ана шу тарафини имкон қадар таҳлил этайлик. Аввало, қонунчиликка асосланган жамият матбуотининг, соддароқ айтсак, бирон газетанинг эгаси - бош муҳаррир янгича иш услубларининг энг биринчи ташаббускори бўлмоғи керак. Бу деганим - газета ўз мухбирлари билан шартнома асосида иш юритишга ўтмоғи керак, деганимдир. Бундай битимни ҳар бир мухбир билан эмас, балки маълум иқтидорга эга ва унинг ёзгани айнан шартномани тузаётган газетага зарур деб топилган, ўзининг ҳақиқий маънодаги ўқишли мақолалари билан газета манфаатлари учун хизмат қилолган муаллифлар билан тузилмоғи лозим. Шартнома буюртма шаклида конкрет мавзудаги мақола ёки мақолалар учун, муайян муддатга тузилмоғи мумкин, яна ҳажман миқдори, савияси ва ҳатто бошқа матбуот нашрларидан сир тутилиши каби шартлар мухбирнинг меҳнатига тўлов билан кафолатланиши лозим бўлади. "Жаноб фалончи! Газетамизга шундай мақола ёзиб беринг ёки қандай мақола ёзиб берасиз?"

Энди журналистлар ҳам "Мана шундай мақолам бор, қандай тўлов берасиз, жаноби муҳаррир?" — дейишни ўрганишлари керак. Балки, бундай шартнома хусусида янаям кенгроқ фикр юритиш мумкин бўлар, ҳар қалай ана шундай иш тутилгани "эгиз", "сурати билан сийрати бир" ва ҳатто "кўчирма" мақолаларнинг босилишига йўл бермаган бўлар эди.

Жаҳон матбуот ходимларининг иш тажрибаси эса ана шундай! Бизнинг журналистларимиз ҳам меҳнатига яраша ҳақ тўлайдиган муҳаррир билан ишлашни ўрганган бўлармидилар!? Муҳаррирлар ҳам ўз газетаси учун "газетхон" топиб бера оладиган журналистни қўлдан чиқармасликка ҳаракат қилиб қолармиди!? Ахир Японияда энг бой яшайдиганлар, агар лоф бўлмаса, журналистлар эмиш!

Хуллас, шундай шартнома бўлмас экан, журналист ўз мақоласини қанча газетага юбориши унинг ўз ҳаққи, ўз ҳуқуқи! Ҳеч бир муҳаррирнинг "бу мақолани фалон газетагаям берибсиз-ку", деб эътироз билдиришга ҳам ҳаққи йўқ! Ахир гоҳо бир мақола ёки хабарнинг марказий матбуот тугул вилоятларда ва ҳатто туман газеталарида ҳам кўчирилиб босилишини кўриб-билиб бу ҳолга тамға босмаймиз-ку!? Давлат ва жамият манфаатлари инобатга олиниб, шундай қилиниши лозим бўлса нур устига нур! Аммо "Мунажжимлар башорати", "Теледастурлар" ва ёхуд "кимгадир хизмат" қабилида кўпнинг ва босаётган газетанинг манфаатларига ҳам зид бўлган мақолаларнинг, материалларнинг кўчириб босилаётгани ёлғонми?! Булар қаторига "кампаниябозлик" билан столда ўтириб "бармоқдан суғуриб олинган", "штат"даги танбал мухбирнинг тишининг кавагидан сўриб олиб ёзилган "ҳой-ҳой", "вой-вой", "биз ундаймиз", "биз бундаймиз" қабилидаги ўқиганнинг энсасини қотирадиган нуноқ мақолаларни ҳам киритиш мумкин. Афсуски, газеталардан газетхон "қочиш"ининг бош сабаби ана шу ерда ётибди, муҳтарам муҳаррир!

Алалхусус, муаммо пайдо бўлишининг бош сабаби мақола йўллаган мухбирда эмас, балки шартномасизликдадир. Янаям, ким билади! Муҳтарам шоиримиз Эркин Воҳидов айтганларидек, "солиқчиларга ютқизган" шоир-у ёзувчилар қаторида журналистлар ҳам борлиги рост! А, лаббай!?

**Оға БУРГУТЛИ**

*Зомин*

**ЙЎҒ—Э!**

***Семизликни семиз кўтаради.***

